IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: MF6520701463

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyihaning turi. Shartnoma

2.Loyihaning nomi. Sho‘rchi tuman Tibbiyot birlashmasining mahsulot yetkazib berish to‘g‘risida.

3.Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma’lumot.

Shartnoma loyihasi Sho‘rchi tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o‘tkazish uchun 05.04.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsul’ti: T.Akibov

**05.04.2022 yil**

# МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «5» 4 2022-793-8-120-ТВ-сон ________________ ш.

Кейинги ўринларда "Товар етказиб берувчи-сотувчи" деб аталадиган "Шўрчи Озода" масъулияти чекланган жамиятининг масъул ходими Ж. Умаров оркали бир томондан, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб аталадиган Шўрчи туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи У. Сафаров иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

## 1. Шартнома предмети

1.1. Шартномада товар деб номланувчи "Шўрчи Озода" масъулияти чекланган жамияти томонидан Манна каша 5210 порция, Гарох шурво 3516 порция,гуруч шурво 3350 порция, гречка шурво 3460порция, Макорон шурво 3920 порция, перловка шурво 2310порция озик овкат махсулотлари иккала тараф ўртасида тузилаётган шартноманинг предмети ҳисобланади. Шартнома 1 (бир) йил муддатга тузилган.

1.2. Товарнинг яроқлилик муддати 12 (ўн икки) ой. Яроклилик муддати товар ишлаб чикарилган кундан бошлаб ўта бошлайди.

1.3. Таёр озиқ овкат махсулотлари нархи 123 789 789 сўм. Умумий нарх 123 789 789 ( бир юз йигирма уч миллион етти юз саксон туккиз минг етти юз саксон туккиз ) сўм.

Бир марталик товарни етказиб бериш харажатлари 123 789 789 ( бир юз йигирма уч миллион етти юз саксон туккиз минг етти юз саксон туккиз ) сўм. Умумий нарх 123 789 789 сўм.

Товар ҳаки шартнома бўйича ҳар бир етказилган товар ва харажатлар суммаси микдорида тўланади. Товар етказиб берилганлиги Хисоб -китоб фактураси билан тасдиқланади.

1.4. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, уларнинг ҳар бири бир хил кучга эга.

## 2. Товарларни етказиб бериш тартиби

2.1. Шартнома бўйича товарларни етказиб бериш товарларни сотиб олувчига жўнатиш йўли билан жўнатиш разнарядкаси оркали амалга оширилади.

2.2. Жўнатиш разнарядкасининг жадвали шартномага илова килинади.

2.3. Товарлар факат "Шўрчи Озода" масъулияти чекланган жамиятига карашли автомашинада етказилиши керак. Товарлар копларда олиб келиниб, коплар сотувчига кайтарилмайди.

2.4. Товар етказиб беришнинг айрим даврида уни тўлик етказиб бермаган товар етказиб берувчи-сотувчи етказиб берилмаган товарлар миқдорини шартнома амал қилиш муддати доирасидаги кейинги даврда ёки даврларда тўлдириши лозим.

2.5. Сотиб олувчи етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган товарларни қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

2.6. Сотиб олувчи шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларнинг қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

Сотиб олувчи сотиб олган товарларни товарлар етказиб берилганидан кейин дарҳол кўздан кечириши, агарда етказиб бериш билан боғлик камчиликлар аниқланган тақдирда, товар етказиб берувчи-сотувчини зудлик билан ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

**3. Шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

3.1. *Сотувчининг ҳуқуқлари:*

- сотилган товар ҳақини тўлашни;
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олишни;
- шартнома шартларига тўлик риоя этишни;
- сотиб олувчи томонидан ўзига етказилган зарарларнинг қопланишини талаб қилиш.

Сотиб олувчи қонун ҳужжатларида белгиланган асосларсиз маҳсулот етказиб берувчи-сотувчидан товарни қабул қилиб олмаган ёки товарни рад этган ҳолларда маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи сотиб олувчидан товар ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

3.2. *Сотувчининг мажбуриятлари:*

- товарни сотиб олувчига мулк қилиб топшириш;
- шартномада назарда тутилган товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топшириш;
- учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан холи бўлган товарни топшириш;
- шартномада назарда тутилган товарни сотиб олувчига идишда ёки ўралган ҳолда топшириш;
- товарни сотиб олувчига топширгунга қадар сақлаш.

3.3. *Сотиб олувчининг ҳуқуқлари:*

- сотиб олаётган товарни ўзига мулк қилиб топширишни;
- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топширишни;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топширишни;

- учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан холи бўлган товарни топширишни талаб қилиш.

3.4. *Сотиб олувчининг мажбуриятлари:*

- сотиб олган товар ҳақини ўз вақтида тўлаш;
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олиш;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш;
- сотувчига етказилган зарарни қоплаш.

Сотиб олувчи шартноманинг товарлар миқдори, сифати, идиши ва ўралиши тўғрисидаги шартлари бузилганлиги ҳақида сотувчига ўн кун муддат ичида маълум қилиши шарт.

## 4. Шартнома бўйича жавобгарлик

4.1. Агар сотиб олувчига унинг талабига кўра сотиш жойида дарҳол товар тўғрисидаги ахборотни олиш имкони берилмаган ёхуд унинг товарни кўздан кечириш, товарнинг хоссаларини текшириш ёки товардан фойдаланишни кўрсатишни талаб қилиш ҳуқуқи таъминланмаган бўлса, у чакана олди-сотди шартномасини тузишдан асоссиз бош тортилгани туфайли ўзи кўрган зарарни тўлашни сотувчидан талаб қилишга, агар шартнома тузилган бўлса, оқилона муддатда шартномани бажаришдан бош тортишга, товар учун тўланган суммани қайтаришни ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Сотиб олувчига товар тўғрисида тегишли ахборот олиш имконини бермаган сотувчи товар сотиб олувчига топширилганидан сўнг товарда пайдо бўлган камчиликлар учун ҳам, агар сотиб олувчи бу камчиликлар ўзида бундай ахборот бўлмагани сабабли пайдо бўлганини исботласа, жавобгар бўлади.

4.2. Агарда товар сотиб олувчига идишсиз ва ўрамаган ҳолда ёки тегишли идишга жойламаган ва тегишли даражада ўрамаган ҳолда топширилган тақдирда, сотиб олувчи сотувчидан товарни идишга жойлаштириш ва ўрашни ёхуд тегишли бўлмаган идиш ва ўрашни алмаштиришни талаб қилиш ёки бу талабларни қўйиш ўрнига ушбу шартноманинг 4.3-банди биринчи қисмидаги талабларни қўйишга ҳақли.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 434-моддасига кўра сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, сотиб олувчи ўз хоҳишига кўра:

худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

харид нархини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини;

харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни;

кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Товар учун тўланган пул суммасини сотиб олувчига қайтариш вақтда сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пасайган бўлса, шунча суммани ушлаб қолишга ҳақли эмас.

4.4. Сотувчи шартнома бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда, зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш сотувчини мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

4.5. Агарда сотиб олувчи шартноманинг товарлар миқдори, сифати, идиши ва ўралиши тўғрисидаги шартлари бузилганлиги ҳақида сотувчига ўн кун муддат ичида маълум қилмаса, сотувчи шартлар бузилганлиги натижасида келиб чиқадиган оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

4.6. Товарларни тўлиқ етказиб бермаганлик ёки етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик учун неустойка пеня шаклида ундирилади. Бунда пенянинг миқдори ҳар бир етказиб берилмаган ёки етказиб бериш муддатлари бузилган товарлар умумий суммасининг 1 (бир) % (фоизи) миқдорида мажбурият амалда бажарилгунига қадар ундирилади.

4.7. Шартномани бажаришдан бир томонлама (тўлиқм ёки қисман) бош тортишга тарафлардан бири шартномани жидддий бузган тақдирда йўл қўйилади.

Шартномани бузиш қуйидаги ҳолларда жиддий деб топилади:

- тегишли даражада сифатли бўлмаган, сотиб олувчи учун мақбул муддатда бартараф қилиб бўлмайдиган камчиликларга эга бўлган товарларни етказиб бериш;

- товарларни етказиб бериш муддатларини бир неча бор бузиш.

4.8. Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасини бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг бошқа муддати билдириш хатида назарда тутилмаган бўлса, шартнома бир тараф бошқа тарафдан шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бир тарафлама бош тортиш тўғрисида билдириш хати олган пайтдан бошлаб ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

## 5. Форс-мажор ҳолатлар

5.1. Маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи форс-мажор ҳолатлар (мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун тўсқинлик қилувчи енгиб бўлмас куч таъсири: товар

етказилаётган пайтда содир бўлган тасодифий шикастланиш, сотиб олувчи эгалигида сув тегиши натижасида товарнинг ёмон ҳолатга келиши ва бошка ҳолатлар) натижасида юзага келадиган оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

## 6. Коррупцияга қарши курашиш ва бошка шартлар

6.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши куршиш тўғрисидаги конун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф килмайди, товламачилик килмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора яʼни ходими ўз ҳизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир етиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий кимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатлатга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

6.2. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва кушимчалар конуний кучига эга булади. Узгариш ва кушимчалар шартномага илова килиниши хам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг мухри ва имзоси билан тасдикланган булиши шарт.

6.3. Бир томонлама шартномани бекор килишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва махсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос булади.

6.4. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш хажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди

## 7. Тарафларнинг реквизитлари

| | |
|---|---|
| Маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи Шўрчи ОЗода МЧЖ<br>Ҳисоб-китоб раками<br>х/р 20208000100876779001<br>Шўрчи .т. ДТ Халқ банк Шўрчи ф-ли МФО 00750 СТИР 305481886, телефон 903762766*(ваколатли шахс Ф.И.Ш. ва имзоси) Ж. Умаров.* | Сотиб олувчи:<br>Шўрчи тумани тиббиёт бирлашмаси .<br>Шўрчи ш. Мустакиллик 68 уй<br>Х/Р100022860222267073101054003<br>банкнинг ХККМ Тошкент ш<br>МФО 00014<br>СТИР 200502105 телефон 905200303*(ваколатли шахс Ф.И.Ш. ва имзоси) У. Сафаров.* |

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

5.04.2022 даги

**Шўрчи Озода МЧЖ ва Шурчи туман табиёт бирлашмаси ўртасида 123 789 789 сўм 00 тин умумий суммага тузилган 2022-793-8-120-ТВ- сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 054

Шахсий ғазна ҳисобварақ [illegible]

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | 123 789 789,00 | | | 123 789 789,00 |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | 123 789 789,00 | | | 123 789 789,00 |

Жами 123 789 789 сўм 00 тин Бир юз йигирма уч миллион етти юз саксон туккиз минг

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 37 136 927 сўм 70 тин ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан ______ % 2022 апрель ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловини амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ______________ Сафаров Урол Бойсоатович

Ф.И.Ш

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ______________ Сафаров Мухиддин Абдумажидович

(имзо) Ф.И.Ш

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ______________ (имзо)

«___» ________________ 20___ й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ______________ (имзо)

«___» ________________ 20___ й.

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 56775 на приобретение Шурчи туман тиббиёт бирлашмасида иссик овкатлар ташкил этиш буйича хизматлар курсатиш (autsorsing)

Способ проведения электронный

Дата 31.03.2022

Время рассмотрения 31.03.2022 14:07

Конкурсная комиссия Шурчи туман тиббиёт бирлашмаси (Туман марказий шифохонаси), (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SAFAROV O'ROL BAYSAOTOVICH | Бош врач | ШУРЧИ ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМА |
| **Секретарь комиссии** | NAZAROV ESHMAMAT QARSHIYEVICH | касаба уюшмаси раиси | Шурчи туман тиббиет бирлашмаси |
| **Член комиссии** | TO'RAYEVA MAQSUDA RUSTAMOVNA | Бош терапевт врач | Шурчи туман тиббиет бирлашмаси |
| **Член комиссии** | SAFAROV RAXMAT JURAYEVICH | Координатор | Шурчи туман тиббиет бирлашмаси |
| **Член комиссии** | USMANOV MARDANAKUL XALBOYEVICH | Бош врач Оналик ва болалик буйича уринбосар | Шурчи туман тиббиет бирлашмаси |
| **Член комиссии** | XOLBOYEV ANOR MAMADIYAROVICH | Хужалик мудири | Шурчи туман тиббиёт бирлашмаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 31.03.2022 года № лота 56775.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга аутсорсинга по доставке еды** |
| Подробное описание | Шурчи туман тиббиёт бирлашмасида иссик овкатлар ташкил этиш буйича хизматлар курсатиш (autsorsing) |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 124 998 120.00 |
| Стартовая сумма | 124 998 120.00 |
| Валюта | UZS |

**По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:**

**Критерий №1** Наличие специалистов

**Тип:** Текстовое значение

Описание: наличие имеющих не мене 5 ти человек специализированный квалифицированный специалистов (прилагать копия трудовых книжки, медицинский книжки пищевого блока)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| SHAXNOZA PARVINA TARAQQIYOT SARI XK | 55 | 55 | 50 | Экспертная | | |
| OOO SHO'RCHI OZODA | 55 | 55 | 55 | Экспертная | | |

Критерий №2 Стадия участника

Тип: Текстовое значение

Описание: не находящиеся в стадии реорганизации, ликвидации и банкротств, справка с ГНИ о задолженности

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| SHAXNOZA PARVINA TARAQQIYOT SARI XK | 55 | 55 | 48 | Экспертная | | |
| OOO SHO'RCHI OZODA | 55 | 55 | 55 | Экспертная | | |

Критерий №3 Стаж работы

Тип: Текстовое значение

Описание: Стаж работы должно не мене 3 х лет в сфере услуг по организации общественного питания (аутсорсинг) а ( перечень организации работавших в сфере аутсорсинга течение 3-х лет, свидетельство о регистрации)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| SHAXNOZA PARVINA TARAQQIYOT SARI XK | 55 | 55 | 50 | Экспертная | | |
| OOO SHO'RCHI OZODA | 55 | 55 | 55 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| OOO SHO'RCHI OZODA | 124 998 120.00 | 123 789 789.00 | 30.03.2022 19:34:40 | 30.00 |
| SHAXNOZA PARVINA TARAQQIYOT SARI XK | 124 998 120.00 | 124 799 789.00 | 29.03.2022 21:44:43 | 29.76 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **SHAXNOZA PARVINA TARAQQIYOT SARI XK** | 63 | 29.76 | 92.76 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 56775 от 31.03.2022 года на приобретение Шурчи туман тиббиёт бирлашмасида иссик овкатлар ташкил этиш буйича хизматлар курсатиш (autsorsing) определила победителем:

ООО SHO`RCHI OZODA
305481886

•

и резервный исполнитель: SHAXNOZA PARVINA TARAQQIYOT SARI XK (305281763)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | XOLBOYEV ANOR MAMADIYAROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TO'RAYEVA MAQSUDA RUSTAMOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | SAFAROV RAXMAT JURAYEVICH | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | SAFAROV O'ROL BAYSAOTOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП